


“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Урганч нефт базаси” МЧЖ

Директори

С.Маткаримов

2022 йил



БУЮРТМАЧИ: “Урганч нефт базаси” МЧЖ

**“Урганч нефт базаси” МЧЖнинг Агрегат с
двигателям взрывозащищенный 7,5 кВт 1000 об/мин
насос Ш-40-4-19,5/6
сотиб олиш учун**

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Хоразм-2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 22.04.2021 йилдаги ЎРҚ-684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

“Урганч нефт базаси” МЧЖ Агрегат с двигателям взрывозащищенный 7,5 кВт 1000 об/мин насос Ш-40-4-19,5/6

1.1 сотиб олиш учун

1.2. Танлов объектини тахминий қиймати _____
() сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 ишқуни.

1.5. Аудит текширувни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Урганч нефт базачи” МЧЖ, (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, Урганч тумани, Паррандачилик пасёлкаси

Эл. адрес: unbхарid@mail.ru

2.2. Танлов “Буюртмачи”нинг танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан электрон тартибда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади: шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар; танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда); Низом маблағи миқдори.

3.2. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.3. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки мусодара қилинган ёки хатлаб қўйилганлар ҳамдаташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.4. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предмети билан жойига чиқиб ўрганиш, бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳажми билан танишиш, аудит текширув учун зарур бўлган маълумот олиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) мурожаат қилишга ҳақлидирлар.